Асбобдан олинган натижа эталон базис кийматининг белгиланган чегарасидан ошмаси ишлатиш учун ярокли ва абсолют хатолик куйидаги формула ёрдамида хисобланади.

Статика усулидан фойдаланиб ёпик полигонда улчанган координата ортормалари нуқсонларини аниклаш.

Текширишни амалга ошириш учун куйидаги тартибдаги ишлар бажарилади:

- 1) Приёмниклар танланган эталон базисдаги учбурчак чуққиларига кетма – кет урнатилади.
- 2) Статика усулида курсатилган 1) ва 2) пунктларда курсатилган ишлар бажарилади.
- 3) Сеанс давомийлиги 60, 30, 15, 8, 4, 2 минут урнатилади, улчов ишлари бошланишидан олдин метеопараметрлар (температура, давления, намлик) улчаниб журналга ёзилади. Приёмник учирилади.
- 4) Улчанган натижаларни кайта ишлаш ва тенглаштириш керак.
- 5) Учбурчак координаталар ортормасидаги хатоликлар хисобланади.
- 6) Асбобдан олинган натижа эталон базис кийматининг белгиланган чегарасидан ошмаси ишлатиш учун ярокли ва абсолют хатолик куйидаги формула ёрдамида хисобланади

$$W_{don} = \sqrt{(\Delta_1^{don})^2 + (\Delta_2^{don})^2 + (\Delta_3^{don})^2},$$

бу ерда Δ_i^{don} – учбурчакнинг i томони бўйлаб рухсат этилган абсолют хатолик киймати GPS приёмникларнинг аниқлик даражаси геодезик асбобларнинг танланган усули ва параметрларига боғлиқ. Стандарт курсаткичлар куйидаги жадвалда курсатилган:

Жадвал № 9

Усул	Пунктлар орасида ўртача масофа	Сеанс давомийлиги	Масофа ўлчашда абс. ва нисбий хатолик	Изох
Статика	20 км.-гача	40–мин.кам бўлмаган	$5\text{ мм} + 1 \times 10^{-6} D\text{ мм}$ 1:100000-1:5000000	2-частотали приёмник
Тезлаш.статика	10 км.- гача	5-10 мин.	$5 - 10\text{ мм} + 1 \times 10^{-6} D\text{ мм}$ 1:100000-1:5000000	2-частотали приёмник
Stop – and – go	5 км. – гача	2 мин.гача	$10\text{ мм} + 1 \times 10^{-6} D\text{ мм}$ 1:100000-1:5000000	2-частотали приёмник
Кинематика	5 км. - гача	4 мин.гача	$10 - 20\text{ мм} + 1 \times 10^{-6} D\text{ мм}$ 1:100000-1:5000000	2-частотали приёмник

2.3 GPS ўлчаш ишларини планлаштириш валоий халаш.

Техник топширикга асосан техник лойиха тузилади. Техник лойихани тузиш объектда олдин бажарилган геодезик ишлар мажмуасини аниклаш ва шу бўйича

материалларни йиғишдан иборатдир. Ушбу жараёнда геодезик ишлар мажмуаси буйича куйидаги маълумотлар тупланиши керак:

- 1) Мавжуд булган геодезик тармокдаги пунктларни текширилганлиги хакида маълумот.
- 2) Лойихалаш тармогига киритилган асос пунктларнинг координаталар ва баландликлар (отметка) каталоги тузилади.
- 3) Мавжуд булган пунктларнинг абрис ива карточкаси тузилади.
- 4) Олдин бажарилган ишлар мажмуси хисоботидан боҳоланган аниклик даражаси ёзилади.
- 5) Лойихалаштирилаётган объектда бажариладиган ишларнинг координаталар системаси аникланади.

Керакли масштабдаги картографик (топографик) хариталар йиғилади. Хариталарга пунктларнинг жойлашган урни ва лойихалаштирилаётган тармокга боғланиш йуллари курсатилади. Ушбу пунктларнинг сунъий йулдошдан радиотулкинларни тускинсиз кабул килиши баҳолаш керак.

Лойихалаштирилаётган тармокни яратишда танланган схема ва усуллари сунъий йулдошлар улчов ишларининг аниклик даражаси каралади. Тармокни яратишда куйидаги жадвалда курсатилган параметрлардан фойдаланилади.

Жадвал № 10

Параметрлар	Тармокни яратиш схемаси	
	Ёпик полигон	радиал
яратилаётган тармок синфи	ДГСТ нинг 3 ва 4-й синф, шаҳар каркас, махсус тармок , 1-синф разряди	1-чи, 2-чи разряд, съёмка тармоги
пунктлар орасидаги масофа	20 км гача	10 км.гача

Пунктларнинг зичлиги яратилаётган тармокнинг йуриқномасига мос равишда урнатилади. Лойихалаштириш жараёнида пунктларни объект буйича тенг таксимланиши таъминлаш керак.

Лойихаланаётган пунктнинг урнатиладиган жойини аниклашда куйидаги талабларга риоя килиш керак:

- 1) Нормал шароитда улчов ишларини бажаришни таъминлаш.
- 2) Пункт атрофида (1-2 км) кучли радиотулкин таркатувчи манбаларнинг йуклигини таъминлаш.
- 3) Пункт атрофидаги горизонтнинг куп кисмида тускинлик булмаслиги ва тускиннинг горизонти 15° дан ортик булмаслиги керак.
- 4) Пунктнинг узок вақт туришини таъминлаш.
- 5) Пунктдан сутканинг хоҳланган вақтда фойдаланиш ва кириш йулини таъминлаш.

Шаҳар территориясида пунктларни лойихалаштиришда юкорида курсатилган тавсияларга риоя килиш суралади.

Имкони борида яратилаётган тармокга давлат геодезик тармокларидан бор пунктлардан фойдаланиш керак.

Пунктнинг урнатилиш жойини узил – кесил танлаш, аниклаш учун далада олдиндан аниклик киритиш керак.

Пунктларнинг геометрик боғланиши учун тармокни яратиш схемасига асосланиб лойихалаш керак. Геометрик шаклнинг ёпик полигон схемасини куриш учун камида иккита мустакил улчанган вектор булиши керак. Боғланмаган векторлар йул куйилмайди. Чузилган тармокни назорат килиш учун бошлангич ва охириги пунктни боғланишини таъминлаш керак.

Улчов ишларини лойихалашда аниқланган векторларни умумий сонидан камида 50% ёки 25% микдорини такрорлаш керак. Такрорий улчов ишларини бошка кун ва бошка вақтда аниқлаш керак (кузатув ойнаси). Лойихани назорат килиш учун кушимча равишда асос пунктларининг векторларини ҳам улчаш ишларини лойихалаштириш ишончлилигини оширади. Узун векторларни узунлигини аниқлашда (20 км) метеопараметрлар (температура, давления, намлик) улчаниб журналга ёзилади, бу тропосфера таъсирини камайитириш ва хатоликни йукотиш учун зарур булади. Ионосфера таъсири икки частотали приёмник ва узок вақт улчаш натижасида йукотилади. Метеорологик параметрлар тенглаштириш программаси ёрдамида аниқланади.

Давлат геодезик тармогидага пунктлар лойихаланаётган объектдан 5 км масофада булса уни ҳам лойиха турига кушиш керак.

Лойихада референц станциянинг урни сеанс ёки сеанс группаларини кузатиш аниқланади. Референц станциялар асос пунктларга ёки мустакил равишда урнатилиши мумкин. Референц станцияларга кушимча талаблар куйилади чунки бу умумий ишларнинг сифатли бажарилишини таъминлайди.

Лойиханинг график кисми хариталарда асос пунктлар ва аниқланаётган пунктларни курсатиши, яъни лойиха тармогини тулик курсатиш керак.

Техник лойиханинг якуний кисмида тушунтириш хати, кайсиким куйидаги маълумотларни тулик намаён этиши керак:

- 1) техник лойиханинг асоси, норматив хужжатлар, геодезик тармокни урганиш, объектнинг физик – географик характеристикасини урганиш, лойиха ишлари ва координаталар системасини аниқлаш.
- 2) Олдинги ишлар мажмуаси, геодезик асос пунктларининг номи, ишлар тури, ишни бажарган муассаса ташкилот бажарилган иш йили, аниқликни баҳолаш хисоботи ва координаталар системаси.
- 3) Бажариладиган ишларнинг схемаси улчов ишларининг усуллари.
- 4) Бажариладиган ишларнинг технологияси, тартиби ва тайёр ишларни топшириш шартлари.
- 5) Лойилаштирилган ишларнинг харажатлар сметаси.

Пунктларни рекогносцировкалаш ва урнатиш.

Техник лойиха тузилгандан сунг дала ишларини бошлашдан олдин лойиханинг айрим ҳолатларига аниқлик киритиш учун рекогносцировка ишлари бажарилади. Рекогносцировка натижасида урнатиладиган пунктнинг аниқ урни тузилган схема ва ишлар мажмуасининг усули билан келишилган ҳолда урнатилади.

Спутник улчов ишлари бажариладиган пунктларда рекогносцировка вақтида куйидаги шартларга талаб бериши керак:

- Пункт атрофида радиотулкинларнинг синиши ва тускинлар булмаслиги керак (дарахт, баланд бинолар, металл тусиклар, текис металл том, транспортларнинг интенсив харакати, тулкин кайтиргич юза, сув хавзаси ва бошқалар).
- Штатив урнатилиши учун тускинлик булмаслиги ва тургунлигини таъминлаш керак.

Приёмникни пунктга урнатиш имконияти мавжуд булмаса (тускинлар булса, металл том, тулкин кайтаргичлар) унда пунктни нормал улчовлари учун ёрдамчи

пунктлардан (ишчи марказлар) фойдаланиш мумкин. Лекин танланган усул лойихаланган тармок аниқлигини каноатлантириши лозим.

Лойихадаги хар бир пунктга ном ва код берилиши керак. Хар бир пунктга карточка яъни пунктнинг аниқ жойлашган урни курсатилади. Назорат пунктлар орасидаги векторлар ва маршрутурлар олдиндан белгиланади.

Ишчи лойихани тузиш

Ишчи лойиха техник топширикга асосланиб лойиха буйича ва рекогносцировка материаллари буйича дала ишларини бажаришдан олдин тузилади

Ишчи лойиха фойдаланиладиган приёмниклар тури сони ва тенглаштириш программасига асосланиб тузилади.

Ишчи лойиха таркибига куйидаги ишлар мажмуаси киради:

- 1) Бажарилаётган ишни сеанси (сессиясини) аниқлаш мухим ролга эга ва куйидаги формула оркали аникланади.

$$S = \frac{P - O}{N - O}$$

S- сеанслар сони, P- пунктлар сони, O- умумий пунктлар сони, N-приемникларсони.

- 2) Лойихаланаётган тармокнинг геометрик схемаси аникланади.
- 3) Референц станциясининг урни аниқ белгилаб олинади
- 4) Тармокдаги такрор улчанадиган векторлар аникланади
- 5) Сунъий йулдошларнинг геометрик жойлашуви графиги тузилади.
- 6) Сеансининг даврийлиги пунктлар орасидаги масофага боглик ва у куйидаги жадвалда курсатилган.

Жадвал № 11

Улчаш усуллари	Сеанс давомийлиги кулланиладиган асбоб учун	
	Бир частотали приемник	иккичастотали приемник
Статик	30 мин + 3 мин / км	20 мин + 2 мин / км
Тезлаштирилган статика	-	10 мин + 1 мин / км

- 7) Пунктлар орасидаги харакатланиш маршрути тузилади.

Ишчи лойихага бажарилган ишлар буйича тушунтириш хати тузилади ва у куйидаги кисмлардан иборат булиши керак:

- 1) Лойихаланаётган ишда барча пунктлар курсатилиши ва уларнинг схемаси тузилиши керак.
- 2) Объектга ишчи программани тузиш.
- 3) Дала ишларини бажариш вақтида сунъий йулдошларнинг харакатланиш графиги тузиш.
- 4) Тусикларга эга булган пунктларга алохида улчов ишларнинг графигини тузиш.
- 5) Ишлаб чиқариш технологиясига мос холда ишларни ташкил этиш.

GPS приёмникларига куйиладиган талаблар

Приёмник типини танлаш лойихаланаётган ишлар мажмуасига боғлиқ. Топо-геодезик ишлар комплексини бажариш учун приёмникга қўйиладиган асосий талаблардан бу приёмникнинг фазали ва кодли улчовларни бажариш имконидан келиб чиқади.

Юқори аниқликдаги геодезик ишларни бажаришда имкони борида икки частотали приёмникдан фойдаланиш керак, қайсики иккала частотада ишловчи асбоблар (приёмник) улчанган векторларнинг сифатини ва аниқлигини оширади.

Киска масофадаги чизикларда (векторлар 15 км. гача) бир частотали приёмникларни ишлатиш мумкин, чунки ионосфера таъсири улчанган векторлар охирида қайта ишлашга олинмайди.

Тавсия этилган асбоб ускуналар рўйхати ва уларни ишга тайёрлаш.

Дала ишларига чиқиш ва уни бошлашдан олдин асбоб ускуналарнинг комплектини, ишга яроқлилигини текшириш керак. Комплектга қўйидаги бўлиши керак:

- приёмник;
- антенна;
- антенна кабелли;
- аккумуляторлар и зарядловчи ускуна;
- туташтирувчи кабеллар;
- утказувчи мосламалар;
- штатив;
- тағлик;
- урнатовчи винт;
- рулетка ёки махсус мослама;
- метео - параметрлани улчовчи ускуналар: термометр, барометр, психрометр
- радиостанции.

Лойиха ишларини бажариш учун қўйидагилар керак:

- картлар, абрислар, маршрутлар схемаси;
- улчов ишлар графиги ва пунктлар орасидаги ҳаракатланиш маршрути;
- урнатилган тартибдаги дала журналлари;
- ручка, қалам, қогоз;
- байроқча, қараска, қозиклар, молоток, оғохлантирувчи сигналлар и ёриткич ускунаси (сутканинг қоронғи вақти учун) автомобил йўлининг утиш қисмида ишлаганда

Агар ишчи лойихада далада бажарилган улчов ишларини қайта ишлаш қиритилган бўлса унда бригада қўйидаги ускуналарга эга бўлиши керак.:



- Сунъий йўлдош улчов ишларини қайта ишлаш программаси билан жиҳозланган компьютер;
- Туташтирувчи кабеллар комплекси (адаптер);
- Стационар тармоқга уланиш учун блок питания;
- Дискетлар, флешкалар;
- Қайта ишлаш программасига дискетли қалит(ёки электрон қалит).

Станциянинг барча механик тугунлари муқобил ишлаши зарур. урнатовчи штативларда механик дефект бўлмаслиги керак. Оптик центриллар далага чиқишдан олдин текширилган ва тузатилган бўлиши керак.

GPS улчов ишларининг лойиха тармогини яратишнинг икки асосий геометрик шакл схемаси мавжуд:

а) полигонал (ёпик геометрик шакл);

б) радиал



2.4. GPS –референц (базовий,доимий) станциялар , уларни ишлаш принципи ва мохияти.

Юкорида такидлаганимиздек GPS –мен ернинг кайси нуктасидан ёки навигация ва координаталарни аниқлаш деган соволга жавоб беришни аниқлаб олган эдик.Бутун жаҳонда GPS тизимини ривожланиши ва янгиланиши кўзатиш мумкин.

10 йил олдин геодезистлар иккита оддий GPS приёмнигидан фойдаланишар эди (база ва ровер) бу купгина кабел, батареялар, иккита штатив, радио ва уларни кутариб юриш муаммолари мавжуд эди. Хозирги замон талабида шу ташвишлар бунинг ярми.

GPS Референц станция нима. хозирги замон талабларига биноан GPS – референц станция инфраструктуранинг етакчи элементларига айланиб улгурди.Замон талаби билан GPS референц станцияларга талаб шунчалик ошмоқда. GPS Референц станциялар керакми. Энг муҳим савол GPS нинг аниқликлиги 1-та GPS приемини бизга 10-15 метиргача бўлгананиқликдаги координата беради. Бу аниқлик туризм соҳаси навигация учун етарли аниқлик. Шу GPSорқали 1м , 0,5м ва 1-2см аниқликга эришиш мумкин. Бу аниқликка эришиш “Дефеференциял GPS усули билан эришиш мумкин. Дифференциял усулда битта GPS приёмник координатаси аниқбўлган пунктда ўрнатилади. (Бу контрольный ёки базовий точка дейилади). Иккинчи прибор “РОВЕР” улчаниши керак бўлган пунктга урнатилади 2та GPS приёмникдан олинган информациядан фойдаланиб «РОВЕР» координаталари аниқланади. Назорат базануқталарнинг нокулайлик томонлари .Бир прибор ваишчи кучи вавакт талаб килади. Референц станция шу битта приёмник (контрольный) жойини эгаллайди.

2.4.1 Референц станция нима вазифани бажаради.

GPS Референц станция региондаги GPS улчов ишларини бажаришда асосий омиллардан бирига айланади. GPS Референц станция дифференциал GPS приёмникнинг бири саналади ва у ҳамма вақт узлуксиз ишлайди. GPS Референц станциянинг параметрлари хамиша яъни керакли маълумотлар базаси яратилган булади. GPS Референц станция куйидаги вазифаларни бажаради:

- а) Сунъий йулдошлардан информация олади ва уларни саклайди.
- б) GPS Референц станция ишлашини мониторинг килиб бора
- в)Информатцияни бошқаради ва уни GPSсистемолчисига етказилади.Кайта ишланган маълумотларни ИнтернетВеб сайтга юборилади ва у икки йуналишда бир вақтнинг узида бажарилади:

- GPS маълумотларни кайта ишлаш, тенглаштириш учун йигади васаклайди
- маълумотларни дала ишларини бажариш вақтида реал вақтда етказиб беради.

Референц станциядаги маълумотлар жаҳондаги бутун GPS лар билан ишлаш имкониятига эга. Бу RINEX формати (мустикал алмашиш формати) хисобланади. GPS Референц станция реал вақт режими **RTCN, CMR** ва бошқа форматларда бажарилади. Реал вақт режимида маълумотлар радио- модем орқали ёки мобил телефон ёрдамида узлуксиз етказилиб берилади. GPS Референц станциялардан кимлар фойдаланади?

- навигация
- кадастр ва кучмас мулк
- спутник геодезия
- мудофа ва хавфсизлик
- сейсмик кузатувлар
- ГИС маълумотлари яратиш учун
- табиий ресурслардан фойдаланишда
- сув ва окова тармоклари

- инжиниринг ва кидирув ишлари
- кишлок хужалиги
- тоғ ишлари ва геологик кидирув ишлари
- курилиш ва курилишни текшириш
- фавкулотда вазиятлар хизматида
- автомобиль йуллари ва куприк курилиши департаментларида

Юкорида курсатилган бажаришда ҳам аниклик 1 метрдан кам натижани, яъни бир неча сантиметр аникликдаги натижани талаб килади. Шу вазифани GPS Референц стацияси узлуксиз ва стабил ишлагани сабабли бажара олади.

2.4.2 Референц станциялар кулайликлари.

Юкорида таъкидлаб утканимиздагидек GPS Референц стация муҳим кулайлик ва афзаликларга эга

а) аниқ координаталардан фойдаланиш – 24/7 соат суткада (24 соат суткада, 7 кун хафтада).

б) GPS улчов ишларини бажаришда ишлатиладиган иккита GPSприёмникурнига битта GPSприёмник.

в) дала ишларининг хоҳлаган вақтингда бошлаш ва иккинчи GPS приёмникни урнатиш шарт эмас.

г) GPS Референц стациядан ҳар қим фойдаланиши мумкин.

д) инжиниринг ва кидирув ишларида GPS Референц стация куп босқисли тармок ва назорат ишларининг қамайишига олиб келади.

е) GPS Референц стациядан 1 метр аниклик талаб қилинадиган ишлар учун ва юкори аникликдаги ишлар учун ҳам битта GPS Референц стациядан фойдаланилади.

Референц станциялар тузилиши.

GPS Референц стация тургун асосдаги таянч пунктга (пилон) урнатилган GPS антенна, GPS приёмник, электр манбаи, компьютер ва юкорида курсатилган компонентларга уланиш кабеллари. Реал вақт режимида ишлаш учун алоқа коммуникациялари (модем, телефон, уяли телефон ва бошқалар). GPS Референц стация тусқин қам, бузилиш ҳавфи бўлмаган, стабил, электр ва алоқа коммуникациялар бор жойга урнатилиши керак.

Референц станциялар сонини аниқлаш.

GPS Референц станциялар сонини аниқлаш бу шу системадан унумли ва ҳаражатлани тежаш имкониятини беради. GPS Референц станциялар сонини тугри аниқлаш юкорида курсатилган ишларни аниқ бажариш имкониятини бажаради.

$$N = \frac{L \cdot 1}{(\dot{D}a\ddot{e}o\ddot{n}\ddot{o} - \dot{I}\ddot{a}\ddot{o}\ddot{e}\ddot{a}\ddot{n}\ddot{o})^2}$$

N = станциялар сони

L= улчамлар (км) эни.

I= улчам (км) бўйи.

Радиус – станциялар орасидаги масофа макс. 80 – 100 км.

Нахлест – станция радиуси оралиғи.

Қуйида мисол сифатида курсатиб утамиз:

L	I	Майдон юзаси	Радиус	Нахлест	N
100	100	10000	50	5	1,1
200	200	40000	50	5	4,4
300	300	90000	50	5	10,0
400	400	160000	50	5	17,7

500	500	250000	50	5	27,7
1000	1000	1000000	50	5	110,8

2.4.3 Станциялар қандай жойларга ўрнатилади.

GPS Референц станция ўрнатиш жойини танлашда қуйидаги талабларга эътибор бериш керак:

- горизонт тўсқинлик даражаси 5° ортиқ.
- Радиотўлқин таратувчи асбоблар йўқлиги (радар , телевишка ва ҳакоза).
- Қўзғалмас асос (таянч пункт, бино томлари).
- электр энергияси (махалий электр тармоклари)
- Комуникациялар (телефон,уяли телефон, интернет ва радио- модем).
- химояланадиган жой

Юқорида курсатилган талабларга мос танланган жой GPS Референц станциясини узок вақт самарали ишлашига ва қуйилган вазивани аъло даражада бажаришга имкон тугдиради, акс холда GPS Референц станциядан кузланган натижага эришиш мумкин эмас.

2.5 Leica – 500 GPS приемнигининг ишлаш принципи билан танишиш.

Leica -500 GPS приемниги – Швецариянинг «Leica» фирмасида ишлаб чиқарилган ва NAVSTARсунъий йулдошлар системасидан радиосигнал қабул қилади ва шу орқали масофани аниқлайди.

Leica – 500 GPS приемниги 12каналли L1/ L2 ,икки частотали приемник. АТ -502; АТ -504 маркали антенна ва SR 520; SR 530 контролери билан жиҳозланган. Программа таъминоти махсус пакет SKI-2.3 , SKI – PRO (Static ва kinematic) маълумотларни бошқариш, текшириш, ҳисоблаш ва тенглаштириш имкониятига эга.

Leica – 500 GPS –приемникни ишлатиш.


Приемник керакли нўқтага ишчи ҳолатга келтирилиб ўрнатилгандан сўнг.

а) Прибор терминалида «ON» ёкиш тугмаси орқали ишга тушурилади ва экранда қуйидаги табло пайдо бўлади.
«MAIN» меню экрани.

- 1)Съёмка.
- 2)Разбивка.
- 3) қушимча масалалар.
- 4) Утилити.
- 5) Топширик.
- 6) Конфигурация.
- 7) Қучириш.


Пиктограмма анализи.

б) Экраннинг юқори қисмида қуйидаги пиктограмма пайдо бўлади.



Юкоридаги пиктограмма муҳим аҳамиятга эга. Шу пиктограмма орқали приемник ҳолати аниқлаш имкониятини беради. Агар юкоридаги пиктограмманинг бирор бир қисми ишчи ҳолатга келмаган бўлса, бу ҳолатда приемникнинг ишлашида маълумотлар вужудга келиши мумкин.

в) PC –картани форматлаш .



Кабул қилинадиган информацияни PC –картага езишдан олдин форматлаш лозим бўлади. Бу ҳолат PC –карта Янги бўлганда ёки PC –картадаги маълумотлар керак бўлмаганда. Приборнинг 4 катордаги «Утилити» белгисига курсор орқали туширамиз ва ENTER тугмачасини босамиз бундан сўнг „FormatMemoryModule” ва ENTER тугмачасини босамиз . Опирация тулик бажарилгандан сўнг яна «MAIN» меню экранига қайтамиз.

2)Съемкани бажариш.

«MAIN» меню экранида биринчи пункт орқали съемка курсор орқали борамиз ва ENTER тугмачасини босамиз. Дисплейда куйдаги экран ҳосил бўлади.

SURVER –съемка.
Конфиграция съемка PP stat ▼.
Задания по умалчанию коор дината систем WGS -84 Geodetic.
Антенна AT 502 штатив

Конфигурация съемка – бу съемканинг тури яъни статик, тезлаштирилган статик , кинематик, Стой и Иди. Бажариладиган ишга қараб съемка тури танланади.

Задания - по умолчанию.

Бажариладиган иш маълум бўлгандан сўнг GPS приборда махсус программа орқали программалаштирилган ишларни узгартиришсиз бажариш.

Координаталар системаси WGS -84 .

Геодезик координаталар системаси.

Антенна - AT 502 штативда ёки AT 504 референцли.

Программалар танлангандан сўнг “ENTER” тугмаси босилади. PC –карта форматлангандан сўнг бажариладиган ишларни алоҳида проект яъни «JOB» очилади. Хар бир проект иш учун янги «JOB» очиш тавсия қилинади . Бунинг учун съемка экранида «JOB» ; PC –Cond топилади ва “ENTER” тугмаси босилади ва яна проект учун F2 “NEW” тугмаси босилади ва керакли проект номи киритилади. F1(cont) тугмаси орқали тасдиқланади.

д) Дала ишларини бажариш.

Юкоридаги ишлар бажарилгандан сўнг . Съёмка экранида F1 (Cont) тугмаси босилади. Бунда ўлчаш ишларининг бош экрани пайдо бўлади. Нуқта номи, антенна баландлиги киритилгандан сўнг F1 (OCURY) тугмаси босилади . Шундан сўнг улчам ишлари амалга ошади. Бундан сўнг яна пиктограммага эътибор бериш керак бўлади ёки терминалдаги бошқа ерданчи тугмачалар орқали GPS приемникнинг ишчи ҳолати текширилади.

Керакли маълумот йигилгандан сўнг улчанган ишларни PC - Card хотирасида сақлаш лозим. Шунда бор йигилган маълумот PC – CARD –га сақланиб қолади. Ўлчаш ишларининг бош экранидан чиқиш уун «SHIFT»(F6)QUIT тугмалари босилади. Шундан сўнг«OFF» тугмаси босилиб приемник иши тухтатилади . PC - Card приемникдан олиниб кампютерда махсус программа орқали улчанган ишлар текширилади ва ҳисобланади.

Съёмка/ TEST					
Нуқта номи 0101,					
Антенна баландлиги 0,000м,					
GDOP ≥ 8					
OCURY					
F1	F2	F3	F4	F5	F6

2.6 GPS бажарилган ишларни компьютерга утказиш ва маълумотни қайта ишлаш (SKI – PRO программаси)

GPS приёмниклари ёрдамида бажарилган улчов ишларини қайта ишлашнинг умумий принциплари

Геодезияда GPS приёмниклари ёрдамида бажарилган улчов ишларини қайта ишлаш программасининг процесси икки асосий қисмдан иборат:

- Приёмникда маълумотни қайта ишлаш ва тугрилаш;
- Камерал усулда маълумотларни қайта ишлаш ва тенглаштириш (дала партиясида ёки ҳисоблаш марказида махсус программалар орқали)

Қайта ишлаш куп вариантли бўлиб, у асосан қуйилган масалани ечими ва унинг аниқлик даражасига боғлиқ. Амалда қайта ишлаш, тенглаштириш ҳисоблашларнинг ун қуп кулланиладиган усуллари мавжуд:

- Алоҳида векторларни аниқлаш (базис чизиклар) ҳисоблаш, тенглаштириш ва уларни бир тармокга улаш;
- Станцияларда бир хил вақтда олинган натижаларни сеанслар бўйича ҳисоблаш
- Қайта ишланган маълумотларни сеанслар бўйича ҳисоблаш ва тенглаштириш;

Хар бир асбоб ускуна ишлаб чиқарувчи фирма GPSприёмник комплексига улчанган натижаларни қайта ишловчи, ҳисобловчи ва тенглаштирувчи узининг махсус программани ишлаб чиқади. Бунинг оқибатида универсал форматни яратишга эҳтиёж тугилди, қайсики приёмникнинг модели ва марказига боғлиқ бўлмаслиги керак. Бундай формат яратилди ва шартли равишда RINEX* деб номланди. Йирик геодезик тармоқларни GPS ёрдамида улчанган ишларни ҳисоблаш ва тенглаштириш ҳамма программалар ҳам максимал аниқликдаги натижани олиш имконини бермайди. Бу муаммони ечиш ва ҳал қилиш учун универсал «профессионал программа» яратилишига эҳтиёж сезилди ва натижада олинган маълумотларни этапма - этап қайта ишлаш, тузатмалар киритиш программалари ишлаб чиқарилди.

Қайта ишлаш учун GPS-приемниклардан олинган асосий информация "сырые" хомаки материаллар кулланилди (бир сеанс натижаси бўйича).


Хомаки материаллар йигилгандан сунг ишлатилаётган программа ёрдамида керакли бўлган форматга (мисол учун RINEX) утказилди ва йул қуйилиши мумкин бўлган купол ва систематик хатолар текширилади.

Тайёргарлик ишлари бажарилгандан сунг алоҳида хар бир станция учун ечим ечилади. Бунинг натижасида олинган маълумотларга хар бир манбалар учун тузатмалар киритилади (ионосфера, тропосфера ва ҳаказо, расм 2.6.1).

Кайта ишлаш программасининг кейинги асосий этапида станциялардан олинган алоҳида маълумотлар биргаликда ишлов берилади. Бунда олдинги циклларда йул куйилган камчилик ва хатоликлар тузатилади ва кейинги босқичга йуналтирилади.

Махсус программаларнинг асосий вазифалари бу пунктнинг координаталар кийматини аниқлаш, вектор узунлиги ва бошқа истемолчининг талаби, кизиқишига қараб геодезик маълумотларни юқори аниқликда аниқлашдир. Бундай қайта ишлашлар бир ва бир неча сеанс кузатувлар учун мулжалланган бўлиши керак.

Тенглаштиришнинг охириги этапи олингин натижани керакли маҳаллий координаталар системасига утказиш мумкин.



2.7 SKI – PRO программаси ёрдамида олинган натижаларни тенглаштириш ва ҳисоблаш.

SKI – PRO Leica System-500 системаси томонидан бажарилган улчов ишларини қайта ишлаш ва тенглаштириш программаси ҳисобланади. SKI – PRO программаси базис томонлари (векторлар) сон жиҳатдан қўп бўлган ҳолларда ва ҳар хил усул режимларда (статика, тезлаштирилган статика , псевдокинематика, Stop&Go ва кинематика) улчанган натижаларни қайта ишлаш, тенглаштириш ва барча пунктларнинг фойдаланиш имкониятини яратади.

Статика ва тезлаштирилган статика усулида икки частотали приёмник ёрдамида улчанган улчов ишлари натижасида вектор узунлиги 10 км гача бўлганда сантиметр аниқликдаги натижани қисқа вақт ичида олиш мумкин.

SKI – PRO программаси ҳаттоки псевдокинематик усулда ҳам маълумотларни қайта ишлаш ва тенглаштириш мумкин. Бир соат ва ундан ортиқ вақт мобайнида такрорланган сьемка натижасида пунктлар координатасини қисқа вақт ичида аниқлаш мумкин.

SKI – PRO программаси маълумотлар базасини қўллаб, автоматик равишда барча ҳилдаги маълумотларни бошқариш мумкин. Истеъмолчи узининг шахсий маълумотлар базасини яратишга ва структурасини лойиҳа тузиш орқали киритиши мумкин. Бир лойиҳанинг узига ҳар қанча маълумотларни киритиши мумкин (компьютер хотира базасини ҳисобга олган ҳолда).

SKI – PRO программаси дифференциал кодли ва фазали улчовларни биргаликда қайта ишлаш ва тенглаштириш учун энг яхши ечим. Уртача аниқликдани натижани олиш учун дифференциал кодли улчовлардан фойдаланиш етарли бўлади.

SKI – PRO программаси Leica System-500 приёмнигидан маълумотларни тугридан – тугри ва RINEX форматида қабул қилиб олади. Маълумотлар компьютерга контроллер, ҳисоблаш мосламаси ёки флешка ёрдамида утқазилиши мумкин. Маълумотлар керакли лойиҳага утқазилгандан сўнг натижалар маълумотлар базасида сақланади.

Ёр шарининг барча нуқтасида SKI – PRO программаси дала ишларини режалаштириш бўйича барча маълумотларни олиш мумкин. Само сфераси тасвиринида сўнъий йўлдошларнинг ҳаракатланиш траекториясини, сўнъий йўлдошларнинг «қўзатув ойнаси», уларнинг азимути ва оғиш бурчагини, параметрларини график ва жадвал шаклида қўриш мумкин.

SKI – PRO программасида ишлаш вақтида биринчи панел бу – асосий меню ҳисобланади бунда барча урнатилган программа блокларинг рўйхати урнатилган (ёрдамчи бўлимлар билан). Бу панелда SKI – PRO программа таъминотининг версияси ёрдамчи маълумотлар ва унинг лицензион рақами қўрсатилган.

Бўлимларнинг тулик рўйхати қуйида қўрсатилган.

- Configuration (конфигурация);
- Preparation (тайёргарлик ишлари);
- Project (лойиҳаларни бошқариш);
- Import (қайта ишлаш, редактирлаш, ҳомаки маълумотлар("сырых") сақлаш ва ёзиш);
- Data Processing (маълумотларни ҳисоблаш);
- View/Edit (урғаниш/редактирлаш);
- Adjustment (тенглаштириш);
- Datum/Map (координаталарни бир системадан бошқа системага утқазиш);
- Utilities (хизмат қўрсатиш программси);
- Help (маслаҳатлар).



SKI – PRO программаси

ConfigurationSKI – PRO программасини истемолчи талабларига кура улчов бирликлари, махалий вақтни ва нашр сарлавҳасини узгартириши мумкин.


Preparationжойда ишларни планлатириш контроллерни программалаштириш ишларини амаога оширади.Мазкур меню лойихаланган кунга жойлашувига караб сунъий йулдошларнинг жойлашувини график ва жадвал куринишида маълумот олиш мумкин:

- Мумкин булган сунъий йулдошларнинг номери;
- Мумкин булган сунъий йулдошларнинг сони;
- Хар бир сунъий йулдошнинг азимути ва огиш бурчаги хакида;
- Хар бир сунъий йулдошнинг GDOP ва PDOP курсаткичи (GPS улчов ишлари вақтида сунъий йулдошларнинг геометрик жойлашуви);
- Сунъий йулдошларнинг харакатланиш траекторияси.

Projectбулими лойихалар билан ишлашни уз ичига камраб олади. У керакли лойихаларни лойихалардан ичидан танлаб олиш, янги лойихаларни тузиш, уларни йукотиш, кучириш ёки олдинги лойихаларга утказиши мумкин.Хар бир лойиха учун унинг нашр сарлавҳасини яратиш ва ишлаш учуш узининг вақт доираси махалий вақт системасини тузиш имкониятини беради.

Importкуйидаги функцияларни бажаради:


- Хотира карточкасидан маълумотларни кучириш (контроллердан, хисоблаш ускунасидан);
- Хотира дискетидан (флешка ва нусха кучириш);
- Далада оператор киритган маълумотларни корректирлаш, маълумотларни саралаш, маълумотларни керакли лойихаларга таксимлаш ва уларни маълумотлар базасида саклаш;
- Резерв нусхасини тузиш;
- RINEX форматига утказиш.



Import - модули


DataProcessing - модули GPS улчов ишларини факт буйича кайта ишлаш ва ҳисоблаш, унинг натижасида WGS84 координаталар системасини аниқлик курсаткичи билан тузиш. Кайта ишлаш пакетлар билан кадамма - кадам олиб борилади. Кайта ишлашдан олдин маълумотлар керакли лойихадан олинishi зарур. SKI – PRO программасининг ягона чекланиши бу компьютер диск хотирасининг ҳажми камлиги булиши мумкин. SKI – PRO программаси куйидаги бажарилган усулларни кайта ишлаши мумкин:

- статик;
- тезлаштирилган статика;
- псевдокинематик;
- Stop&Go кинематика;
- кинематик;
- бир пунктни (координатасини) аниқлаш.




DataProcessing - модули

View/Edit. – модули танланган лойихани график ва ракамли усулда куриб чикиш редактирлаш имкониятини беради. Пунктларга тегишли маълумотларни (пунктни идентификациялаш, ходисалар, антенна , координаталар вахаказо.) хохлаган вақтда узгартириш ва редактерлаш мумкин.керакли филтрлар ёрдамида экранда факат пунктни куриш мумкин.



View/Edit. – модули

Adjustment -модули улчанган векторларни битта турлар системасига келтириш ва «квадратларнинг кичик томони» усули билан тенглаштириш ва боғлаш хисобларини бажаради. Хар бир асос пунктдан алохида ёки барча асос пунктларни куллаб тенглаштириш имконияти мавжуд. Натижада пунктларнинг координаталари тенглаштирилган ҳолатда булади.



Adjustment -модули

Datum/Map-модули истемолчининг координаталар системасида бир неча усуллар билан натижаларни олиш учун кулланилади. Модул куйидаги компонентлардан ташкил топган:

- координаталар, эллипсоид, трансформация проекция параметрлари системасининг кутубхонаси (база),;
- геоиднинг хар хил моделларини аниклаш;
- трансформация параметрларининг турлича типларини аниклаш;
- трансформациялашнинг турлича типларини курсатиш (3D, 2D ва х.к.);
- картографик проекциялардан фойдаланиш;
- истемолчи танлаган картографик проекция ва хисоблаш программасини бирлаштириш.

Property	Value
Name	Sample1
Location	C:\SKIPro\Data\Projects\Sample1\
Date Created	05/30/2000 13:55:55
Last Used	05/30/2000 13:56:03
Avg. Limit Pos.	0.0750
Avg. Limit Hgt.	0.0750
Coordinate System	WGS 1984
Compute Mod. Grid Coordinates	No
Avg. Combined Factor	1.0000
Northing Shift	0.0000
Easting Shift	0.0000
Time Zone	1h00'
Manager	
Client	
Street	
Map Reference	
Print Header	
Print Footer	
Note	

Datum/Map - модули

Utilities– модули контроллер ва сенсорлар учун янги программаларни юклаш вазифасини бажаради.

Help - модули ишлаш жараёнида маслахатлар ва йуналтирувчи йурикнома базаси. Бу моделга асосий меню ва хар бир боскичда мурожат қилиш мумкин. Йурикнома SKI – PRO программаси билан танишаётган ва иш бошлаётган истемолчилар учун мулжалланган.

3 - БОБ

Техника хавфсизлиги ва атроф мухитни муҳофаза қилиш

Барча бажариладиган дала ишлари ташкил қилиш ва ўтишда меҳнат интизоми, техника хавфсизлиги ва меҳнатни ташкил қилиш асосий мезондир. Геодезик дала ишларини бошлашдан олдин техника хавфсизлиги ва меҳнатни ҳимоя қилиш бўйича маълумотлар билан танишиш зарур.

Ўрнатилган тартибда тайёрланган журналга ҳар бир мутахасис ва ишчи техника хавфсизлиги ва меҳнатни ташкил қилиш билан танишганлиги туғрисида имзо чекилади.

1. Умумий қоидалар.
2. Иш бажарувчини техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш маъсуляти ҳақида.
3. Геодезик дала ишларини бошлашдан олдин бригадир иш жойини кўриши, геодезик асбоб ва ускуналарни яхшилаб куздан кечириши керак.
4. Геодезик асбобларнинг қутисидаги ручкалари (қўл ушлагичлари) маҳкам ўрнатилган бўлиши керак, рейканинг маҳкамлагич винтлари соз ҳолда бўлиши керак.
5. Учи ўткир нишон тайёқларни, штативларни ва бошқа асбоб ускуналарни учларини олдинги томонга қаратиб олиб юришга ижозат берилади.
6. Йўллардан ўтишда рейкаларни қзда букланган ҳолда олиб юриш керак, елкада олиб ўтиш тақиқланади.
7. Йўлга яқин жойларда геодезик асбобларни қаровсиз қолдириш тақиқланади.
8. Штативга ўрнатилган геодезик асбобларни ерга маҳкам ўрнатиш зарур.
9. Рейка, нишон таёғи ва штативни дарахтга, деворга ва бошқа тафсилотларга суяб қўйиш тақиқланади.
10. Йўлда масофа ўлчашда хавфсизликни таъминлаш учун қизил байроқча ушлаган талабаларни қўйиш керак.
11. Ўлчаш асбобларини, рейка ва нишон тайёқларини қўлдан – қўлга бериш керак, ерга ташлаш тақиқланади.
12. Теодолит йўлидаги нуқталар, пикет нуқталари ва бошқа нуқталарда қозикчаларни ер баравар қилиб беркитиш керак, асфальт йўлларга қозикчаларни беркитиш тақиқланади.
13. Транспорт йўлларида ва шаҳар шароитида талабалар йўл хавфсизлигига риоя қилиши керак.
14. Рейка, нишон тайёқларини ва бошқа нарсаларни электр симларига, троллейбус симларига ва шунга ўхшашларга 2 метр кам масофага кўтариш тақиқланади.
15. Юк кўтариш механизмлари олдида асбобларни ўрнатиш, қурилаётган бино атрофида юриш тақиқланади.
16. Канализация ва сув йўлларида иш олиб боришда уларнинг қудуқларида ёқилғи ёки заҳарли газлар бўлишини эътиборга олиш лозим. Талабаларни қудуқлага тушириш тақиқланади, агарда зарур бўлса, шамоллатиш зарур. Иш тугагандан кейин қудуқлар оғзини беркитиш зарур.
17. Ёмғир ёғишидан олдин ишни тўхтатиш ва хавфсиз жойга ўтиш зарур.
18. Ёз пайтида иссиқ соатларда ишни тўхтатиш зарур, амалиёт раҳбарининг кўрсатмасига биноан иш соатларини эрталаб ва кечки вақтларга ўтказилади.
19. Геодезик дала ишларини даврида талабалардан шахсий гигиена талаб қилинади
20. Геодезик дала ишлари даврида мутахасисларнинг “Техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари” билан танишганлиги ҳақида

маълумот қўйидаги жадвалга расмийлаштирилади ва амалиёт ҳисоботига илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида атроф муҳитни химоя қилиш давлат даражасидаги аҳамиятига эгаллиги таъкидлаб утилган.

Унда аниқ қилиб - ер, ер ости ва усти бойликлари, сув, усимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар умумхалқ бойлиги ва уни асраб авайлаш, уни келажак авлод учун етказиш давлатимиз томонидан химояга олинган.

Инсон ҳаётида интенсив узгаришлар натижасида, урбанизация ва сув ресурсларини оқилона ва тежамкорликга эътиборсиз ишлатиши натижасида юртимизда экологик аҳволнинг бузилишига, яъни ер ва сув ресурслари, фауна ва флоранинг кескин тубдан узгариши рўй берди.

Табиий ресурсларни қуриқлаш ва улардан тежамкорлик ва оқилона фойдаланиш энг долзарб масалардан бири ҳисобланади, жамиятнинг ривожланишида экологик ҳавфсизлик жамиятнинг экономик ривожланиши ва ижтимоий химоялашда асосий компонентлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси урта осийнинг марказида, денгиз ва океанлардан олисда ва сугориладиган ерлари жихатдан йирик давлат ҳисобланади. Шунинг учун бу заминда пахтачилик, мевачилик, богдорчилик, узумчилик ва сабзаводчилик ривожланган лекин сув ресурсларининг лимитланганлиги республикада бу соҳаларнинг ривожланишига тускинлик қилади.

Республикаимизнинг асосий сув хавзаларини ташкил қилувчи омил бу Амударё ва Сирдарёдир, бу икки дарёнинг сув сиймимининг йиғиндиси 115,6 км кубни ташкил этади. Лекин бу республикаимизни сув ресурслари билан тулик таъминланмаганлигимиздан далолатдир.

Мамлакат аҳолисининг узиши табиий бойликларга ва сув ресурсларига эҳтиёжни оширади. Мутахассисларнинг таъкидлашича аҳолининг узишга мойиллигини ва глобал иқлим узгариши натижасида Ўзбекистон территориясида 2030 йилда сув хавзаларининг 10% -15% парланиш натижасида ва 10 -20 % усимликларга сарфланиши натижасида сув ресурсларининг йукотилиши тахминан 18% ташкил этади. Шунинг учун Марказий осийда бу муаммо энг актуал ҳисобланади. Бу муаммонихал этиш учун дарё ва сув хавзаларидан унумли фойдаланиш зарурдир.

Бу муаммони ҳал қилиш, ҳайвонот ва усимлик дунёсидан рационал фойдаланиш ва химоялашда, ҳайвонот ва усимликларни алоҳида қуриқда булган қуриқхоналарни ташкил этиш мақсадга мувофиқ булар эди.

Биологик ресурсларни планли равишда фойдаланиш учун улар ҳақида тулик информацияга эга булишимиз зарурдир. Бунинг учун тулик ва аниқ ҳисоб юритилиши зарурдир. Бу системани ривожлантириш учун маҳсус тизим, яъни табиат муҳити ва биологик ресурслар мониторинг ташкил этилиши зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелда №111 сонли қарорига асосан «Ўзбекистон Республикасида давлат мониторингида атроф муҳитни урни», бунда иш олиб боришнинг асосий принциплари давлат мониторинг системасида мақсад ва вазифалари кенг ёритилган. Вазирлик, бошқарма, маҳкама ва хужалик субъектларни координациялаш Ўзбекистон Республикаси табиат муҳитни химоялаш қумитасига юклатилган. Юклатилган вазифани ва координациядан эффектив фойдаланиш учун бошқаришнинг системаси, атроф муҳит ҳолати ҳақида маълумлар базиси яратилган. Системанинг муҳим элементларидан бири бу экологик индекстр ҳисобланади, у давлат ва айрим регионлардаги экологик вазиятни баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро табиатни химоялаш ташкилоти аъзодир ва бугунги кунда атроф муҳитни химоя қилишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг экологик сийсати натижасида инсон саломатлигига ҳавф солаётган атроф муҳитнинг сифатининг яхшиланишига ва регионларда экосистеманинг тургунлашишига эришилди.

4 БОБ

Ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иктисодиёт

4.1 Ишлаб чиқариш асоси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2001 – 2015 йилларда юқори аниқликдаги сунъий йулдошли геодезик тармок тизимини яратиш, улчаш, назорат ва автоматлаштириш программаси. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида топо – геодезик ва кадастр ишлари учун GPS (АҚШ) ва Глонасс (Россия) сунъий йулдошли навигация тизимидан мақсадли фойдаланиш учун давлат программаси.

Лойиҳадаги қуйидаги ишлар мажмуаси лойиҳаланади:

- 1 – чи синфли сунъий йулдошли геодезик тармок пунктларини урнатиш;
- 1 – чи синфли сунъий йулдошли геодезик тармок пунктларини планли ва ер сатҳи жойлашуви (отметка) ни аниқлаш..

Ишнинг мақсади - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кейинги этапдаги (қуйи поғонадаги геодезик тармок турини яратишда) сунъий йулдошли геодезик тармок тизимини яратиш учун асосни пунктлари урнатиш, GPS улчов ишларини бажариш, натижаларни қайта ишлаш ва тенглаштириш.

ОБЪЕКТХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Административ жойлашган ҳудуд - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди Самарканд вилояти.

Объектнинг географик жойлашуви – Зарафшон дарёсининг воҳаси ва унинг ирмоқлари

Рельеф - нотекис паст ва баландликлар, тоғли ҳудуд

Гидрография - Зарафшон дарёси, гидромелерация ва сугориш каналлари, коллектор ва ариқлар.

Усимликлар - сугориладиган ҳудудларда - боғлар, узумзорлар, пахта майдонлари.

Аҳоли пунктлари – Самарканд шаҳри, район марказлари Булунгур, Жомбой, Челак, Иштихон, Тайлок, Лоиш, Каттақургон, Ургут, Жума, Октош ва бошқа кишлоқ вааҳоли пунктлари.

Йул тармоқлари – темир йул, аҳоли пунктларини бир бири билан боғловчи асфальтланган шоссе, магистрал ва грунтли йуллар.

Грунт - суглинка, супесь.

Дала ишларини давомийлиги муддати - 8,0 ой.

4.2 Диплом лойиҳасининг техник асоси

Мазкур диплом лойиҳаси 1 синф сунъий йулдошли геодезик тармокни яратиш учун мулжалланган, қайсиқим геодезик тармокнинг қуйи синфларини яратиш учун бошланғич асосни яратиш ва керак булган аниқлик даражасини таъминлаш учун яратилди.


1 – чи синфли сунъий йулдошли геодезик тармокни яратишда пунктлар орасидаги масофа уртача 20 – 30 км.ни ташкил этади ва амалий ишлаш учун қулай система, алоҳида фрагмент сифатида яратилади. 1 – чи синфли сунъий йулдошли геодезик тармоқлари РГП ва СГС -0 пунктлар системаси билан боғланади.

1 – чи синфли сунъий йулдошли геодезик тармок пунктлари бутун объект бўйлаб текис бир меъёрга урнатилди.




1 – чи синфли сунъий йулдошли геодезик тармок пунктлари мавжуд булган давлат астрономо – геодезик турлари (АГС) ва давлат Ива II синф нивелир турлари билан боғланиш имкониятини яратади.

1 – чи синфли сунъий йулдошли геодезик тармок пунктлари энг яқин булган давлат астрономо – геодезик турлари (АГС) ва давлат Ива II синф нивелир турларига уртача (планли) 2 см квадратик хатолик билан аниқланади

1 – чи синфли сунъий йулдошли гес
 баландлигини аниклаш учун якин булган I син
 реперларига юкори аникликдаги нивелирлаш усу
 1 – чи синфли сунъий йулдошли геодез
 юкори аникликдаги асосий пункт ва иккита
 топган.



